

**ИХТИЯРОВА ГУЛЬЧЕХРА АКМАЛОВНА**

**ТУРЛИ МУДДАТДАГИ ҲОМИЛАНИНГ АНТЕНАТАЛ ЎЛИМ  
ҲОЛАТЛАРИДА ҲОМИЛАДОРЛИКНИ ТЎХТАТИШНИНГ  
ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯЛАШГАН ЁНДАШУВИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Ихтиярова Гульчехра Акмаловна**

Турли муддатдаги ҳомиланинг  
антенатал ўлим ҳолатларида тўхтатишнинг  
дифференциаллашган ёндошуви..... 3

**Ихтиярова Гульчехра Акмаловна**

Дифференциальные подходы к прерыванию  
беременности в различные сроки гестации  
у женщин с антенатальной гибелью плода..... 27

**Ikhtiyarova Gulchekhra Akmalovna**

Different approaches to the interruption  
of pregnancy in women antenatal fetal  
destruction at different times of gestation..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ИХТИЯРОВА ГУЛЬЧЕХРА АКМАЛОВНА**

**ТУРЛИ МУДДАТДАГИ ҲОМИЛАНИНГ АНТЕНАТАЛ ЎЛИМ  
ҲОЛАТЛАРИДА ҲОМИЛАДОРЛИКНИ ТЎХТАТИШНИНГ  
ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯЛАШГАН ЁНДАШУВИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.3.DSc/Tib185 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Аюпова Фарида Мирзаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алиева Дилфуза Абдуллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Зуфарова Шахноза Алимджановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хаджиметов Абдугафур Ахатович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Н.И.Пирогов номли Россия Миллий илмий тадқиқот тиббиёт Университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «14» июн куни соат 14-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz))

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( -сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э. А. Шамансурова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д. И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясига аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда аёллар касалликларининг сони кун сайин ортиб бориши билан биргаликда фертил ёшдаги аёлларда ҳомиланинг она корнида турли омиллар сабабли антенатал ўлим ҳолатининг даражаси ошиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...дунёда ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши ўлик туғилаётган болалар орасида 77,9% ни ташкил этиб, бу замонавий акушерлик соҳасининг долзарб муаммоси ҳисобланади...»<sup>1</sup>. Маълумки, ҳомила нобуд бўлишининг этиологияси турлича бўлиб, эмбрионнинг аномал пайдо бўлиши, унинг нормал ривожланиши учун ноқулай шароитлар ва бошқа омилларга боғлиқ. «...эрта неонатал ўлимнинг 60-70% и муддатига етмай туғилган болалар ҳиссасига тўғри келади, муддатидан олдин туғруқларда ўлик туғилиш ўз муддатидаги туғруқларга нисбатан 8-13 марта кўп учрайди...»<sup>2</sup>. Ҳомиланинг антенатал ўлимига хромосомалар аберрациялари, эндокрин бузилишлар, хужайра ичи ва ташқи полиинфекциялар, иммун зиддият, гемостазиологик бузилишлар, генитал ва соматик касалликлар асосий сабаб бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳолатларни таҳлил асосида ташхислаш ва касалликнинг башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш соҳа ходимлари олдида турган ҳал қилиниш зарур тиббий–ижтимоий муаммолардан биридир.

Жаҳонда турли муддатдаги ҳомиланинг антенатал ўлим ҳолатларида ҳомиладорликни тўхтатишнинг дифференциациялашган ёндашувнинг оптимал тактикасини танлаш бўйича қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши ривожланиши хавфининг шаклланиши сони ва сабаб-оқибат омилларини, ушбу патологик ҳолатининг патогенезида цитокин статуси ва макрофагларнинг фагоцитар фаоллигининг ўрни ва аҳамиятини асослашдан иборат. Ҳомиласи антенатал нобуд бўлган аёлларда гестациянинг турли муддатларида индуцирланган фагоцитоз, С-реактив оқсил ва гормонал статус кўрсаткичларини, қин микробиоценози, йўлдош ва ҳомила атрофи сувларининг ҳолатини дифференциация қилиш, аёлларда ҳомиладорликни тўхтатиш усули ва вақтини ишлаб чиқиш учун ультратовуш ва гормонал мезонларига асослашдан иборат. Ҳомиладорликни тўхтатишнинг замонавий медикаментоз усуллариининг ҳомиласи антенатал нобуд бўлган (ҲАНБ) аёлларда туғруқ индукциясининг тезлигига таъсирини қиёсий тарзда тадқиқ қилиш, шунингдек, ҲАНБ да гестация муддатларига кўра ҳомиладорликни тўхтатишга дифференциациялашган ёндашув тизимини ишлаб чиқиш ҳамда шу аёлларда йўлдош ва ҳомилага морфологик тавсиф беришда дифференциацияланган терапия имкониятларини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни

<sup>1</sup> [http / www who int media-center](http://www.who.int/media-center). ЖССТ 2017 йилги ҳисоботлари

<sup>2</sup> Quibel T., Bultez T., Nizard J., Subtil D., Huchon C., Розенберг P. Mort foetale intra-utérin e. J. Gynecol Obstet Biol Reprod. France. 2014, 43 (10): 883-907.

жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, фертил ёшдаги аёлларда турли касалликларини камайтириш, айниқса оналар ва болалар ўлимини камайтириш борасида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қуватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар фертил ёшдаги аёлларда турли муддатдаги ҳомиланинг антенатал ўлим ҳолатларида ҳомиладорликни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали оғир асоратларни олдини олиш натижасида ҳомиланинг ўлим кўрсаткичларини камайитириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985–сон «Шошилич тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Турли муддатдаги ҳомиланинг антенатал ўлим ҳолатларида ҳомиладорликни тўхтатишнинг дифференциациялашган ёндашувининг замонавий жиҳатларини асослаш борасида илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Ohio State University, College of Medicine, University of North Carolina (АҚШ); University of Oxford

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

<sup>4</sup>Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи: [www.ubc.ca](http://www.ubc.ca), [www.cmm.zju.edu.cn](http://www.cmm.zju.edu.cn), [www.sggw.pl](http://www.sggw.pl), [www.uc.edu](http://www.uc.edu), [www.med.stanford.edu](http://www.med.stanford.edu), [www.meded.hms.harvard.edu](http://www.meded.hms.harvard.edu), [www.uni-corvinus.hu](http://www.uni-corvinus.hu), [www.sfu.ca](http://www.sfu.ca), [www.en.jbnu.ac.kr](http://www.en.jbnu.ac.kr), [www.unina.it](http://www.unina.it), [www.edu.unideb.hu](http://www.edu.unideb.hu), [www.universiteitleiden.nl](http://www.universiteitleiden.nl), [www.tau.ac.il](http://www.tau.ac.il), [www.ufsc.br](http://www.ufsc.br), [www.gpma.ru](http://www.gpma.ru), [www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz), [www.ottawahospital.on.ca](http://www.ottawahospital.on.ca), [www.uottawa.ca](http://www.uottawa.ca), [www.unsw.edu.au](http://www.unsw.edu.au), [www.medicine.osu.edu](http://www.medicine.osu.edu), [www.thewomens.org.au](http://www.thewomens.org.au), [www.ulaval.ca](http://www.ulaval.ca), [www.ufrgs.br](http://www.ufrgs.br), [www.sigarra.up.pt](http://www.sigarra.up.pt), [www.ksu.edu.sa](http://www.ksu.edu.sa), [www.attikonhospital.gr](http://www.attikonhospital.gr), [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk), [www.unideb.hu](http://www.unideb.hu), [www.saitama-med.ac.jp](http://www.saitama-med.ac.jp), [www.usu.ac.id](http://www.usu.ac.id), [www.emergencyresponse.uz.ac.zw](http://www.emergencyresponse.uz.ac.zw), [www.aichi-med-u.ac.jp](http://www.aichi-med-u.ac.jp) ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

(Англия), Karolinska institute (Швеция), Ottawa Hospital Research Institute, University of Ottawa, University Laval, University of British Columbia (Канада) University of Tokyo (Япония), Hacattepe University (Туркия), Instituto Nacional de Perinatologia Isidro Espino sadelos Reyes (Мексика), Weill Cornell Medical College (Англия), Monach University (Австралия); академик В.И. Кулаков номидаги «Акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази», Қозон тиббиёт институти (Россия Федерацияси), Бухоро давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Турли муддатдаги ҳомиланинг антенатал ўлим ҳолатларида ҳомиладорликни тўхтатишнинг дифференциациялашган ёндашувини ташкиллаштириш натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши йўлдошнинг муддатидан олдин кўчиши, преэклампсия, коагулопатик қон кетишлари каби пренатал асоратлар ривожланишининг предиктори бўлиш механизми асосланган (University of Oxford (Англия), University of British Columbia (Канада); преэклампсиянинг оғир турларида антитромбин фаолиятини кучайтирувчи антикоагулянтлардан фойдаланиш жигар фаолиятини оширувчи ферментлардан фаол фойдаланиш механизмларни ишлаб чиқилган (University of Ottawa (Канада); гипертензиянинг оғир шаклларида ҳомиладорлар қонидаги тромбоцитлар ва иммунопротесамларнинг миқдорининг ошиши ва қон айланишнинг бузилишига олиб келиши, ҳомиладорликнинг салбий асоратлар юзага келиши асосланган (University of Carolina (АҚШ); инфекция асоратлар ҳомиладорларда оғир асоратлар ривожланишининг клиникага қадар белгилари, ҳомиладорларда пренатал ва антенатал асоратлар сонининг узлуксиз ошишига асосланган (Melburne University (Австралия), Қозон тиббиёт институти (Россия Федерацияси); (Xinxiahg Medical University (Хитой), Weill Cornell Medical College (Англия); антипрогестинларни простагландинлар билан бирга қўллаган ҳолда ҳомиладорликни медикаментоз йўл билан тўхтатиш эрта чилла даври кон кетишлар, коагулопатик бузилишлар ва уларнинг асоратлари ривожланишининг камайиши ва оналар ўлимини олдини олиши исботланган (Hacattepe University (Туркия), University of British Columbia (Канада), Instituto Nacionalde Perinatologia Isidro Espinosadelos Reyes (Мексика).

Дунёда турли муддатдаги ҳомиланинг антенатал ўлим ҳолатларида ҳомиладорликни тўхтатишнинг дифференциациялашган ёндашувининг замонавий жихатларни илмий асослаш бўйича жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ҳомиланинг антенатал ўлим ҳолатларида асоратлар ривожланиш патогенезида аутоиммун цитокинлар ва гормонлар даражасига боғлиқлигини асослаш; комбинациялашган медикаментоз усулда прогестерон гормонал статусига боғлиқ равишда ҳомиланинг антенатал ўлим ҳолатларини дифференциал туғруқ механизми ишлаб чиқилган; гестацион ҳамда пренатал асоратлар ривожланишининг олдини олишини башоратлаш имкониятини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги ўн йилликда ривожланган мамлакатларда тромбогеморрагик асоратлар оналар ўлими

сабаблари структурасида етакчи ўринни эгаллаб, уларнинг нисбий улуши Европа давлатларида Германиядаги 8%дан Швейцариядаги 26,3% га ўзгаради (2009). 40-55% ҳолатларда она қорни ичидаги ҳомила ўлими сабаблари аниқланмай қолмоқда. (R.M. Lee, R.M. Silver., 2012; H. Yamada, E.H. Kato, G. Kobashi, et al 2015; S.J . Babbage, P.D. Arkwright, G.S. Vince et al., 2016). Ушбу патология сони кўп йиллар давомида барқарор бўлиб, барча исталган ҳомиладорликларнинг 15-20% ни ташкил этади. Ҳомиладорликнинг йўқотилиши сабабларини аниқлаш амалиёт нуктаи назаридан ўта муҳимдир. Ҳомиладорликни тўхтатиш сабабларини билган ва патогенезини тушунган ҳолда патогенетик даволашни янада муваффақиятли ўтказиш мумкин, акс ҳолда у симптоматик ва кўп ҳолларда самарасиз бўлади (В.М. Сидельникова, 2012). Муддатдан олдин ҲАНБ да туғруқ фаолиятининг ривожланиши кўп омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида стероид гормонлар, простагландинлар, утеротониклар алоҳида аҳамиятга эга. Прогестерон генерализациялашган қисқаришларнинг пайдо бўлишини блоклаган ҳолда миометрий ҳолатини бошқаради ва назорат қилади (Краснопольский В.И. ва ҳаммуалл., 2012). Юқорида қайд этилган механизмлар билан бир қаторда бачадоннинг қисқариш қобилятининг бузилишлари механизмларидан бири энергия танқислиги, стероид гормонларнинг синтези, миометрий қисқаришининг холинергик ва окситоцин регуляцияси учун зарур бўлган пентозофосфат циклининг бузилиши бўлиши мумкин (Доброхотова Ю.Э. 2016). Ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши (ҲАНБ) муддатидан олдин туғруқни талаб этадиган ҳомиладорлик асоратларидан бири бўлиб, у гестациянинг турли муддатларида намоён бўлиши мумкин. Репродуктив йўқотишларда ҲАНБ сони етарлича юқори бўлиб, 10% дан 22% гача ташкил этади, Англияда - 2,9%, АҚШ да - 14%, МДХ давлатларида - 14-20%ни ташкил қилади.

Ўзбекистонда ҳомиладорлик патологиялари, фертил ёшдаги аёлларда турли касалликлари оқибатида юзага келадиган плацентар етишмовчилик борасида қатор илмий ишлар бажарилган, буларга плацентанинг муддатидан олдин кўчишида қон кетишлар (Ж.Е.Пахомова 2017); чақалоқларда учрайдиган патологик ҳолатларда даволашнинг замонавий тизими яратилган (Д.Қ.Нажмутдинова 2016, 2018). Бироқ, турли муддатдаги ҳомиланинг антенатал ўлим ҳолатларида ҳомиладорликни тўхтатишнинг дифференциациялашган ёндашуви ишлаб чиқилмаган.

Ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши муаммосининг ҳар томонлама ўрганилганига қарамай, сабабига боғлиқ ҳолда прогностик, даволаш-профилактика жиҳатларининг етарлича ўрганилмаганлиги ва уларнинг мураккаблиги, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий омиллар ушбу мавзунинг ўта долзарблигини белгилайди ва клиник-ташҳисий, морфологик ва микробиологик хусусиятларни қиёсий равишда янада чуқур ўрганиш заруриятини тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари

режасига мувофиқ (№01.2018DSc.018) «Бухоро ҳудудининг иссиқ иқлими шароитларида организмнинг патологиядан олдинги ва патологик ҳолатларини эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактика қилишга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2013-2018) мавзусида доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши кузатилган аёлларда ҳомиладорликни тўхтатишга дифференциаллашган ёндашув асосида туғруқ индукциясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари** қуйидагилардан иборат

ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиш ривожланиши хавфининг шаклланиши сони ва сабаб-оқибат омилларини баҳолаш;

ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши ривожланиш патогенезида цитокин статуси ва макрофагларнинг фагоцитар фаоллигининг ўрни ва аҳамиятини баҳолаш;

ҳомиласи антенатал нобуд бўлган аёлларда гестациянинг турли муддатларида индуцирланган фагоцитоз, С-реактив оксил ва гормонал статус кўрсаткичларини асослаш;

ҳомиласи антенатал нобуд бўлган ҳомиладор аёлларда қин микробиоценози, йўлдош ва ҳомила атрофи сувларининг ҳолатини дифференциация қилиш;

ҳомиласи антенатал нобуд бўлган аёлларда ҳомиладорликни тўхтатиш усули ва вақтини ишлаб чиқиш учун ультратовуш ва гормонал мезонларга асослаш;

ҳомиладорликни тўхтатишнинг замонавий медикаментоз усулларининг ҲАН бўлган аёлларда туғруқ индукциясининг тезлигига таъсирини қиёсий тарзда тадқиқ қилиш, шунингдек, ҲАН да гестация муддатларига кўра ҳомиладорликни тўхтатишга дифференциациялашган ёндашув алгоритмини ишлаб чиқиш;

ҳомиласи антенатал нобуд бўлган аёлларда йўлдош ва ҳомилага морфологик тавсиф бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2008-2018 йилларда Бухоро вилояти перинатал маркази, шаҳар ва Шофиркон тумани туғруқ комплексларида ҲАН бўлган 22-42 ҳафта муддатдаги ҳомиладор аёлларнинг 250 та касаллик тарихлари, ҲАН бўлган, ҳомиладорликнинг турли муддатларида ва унинг якунига қадар туғруқ мажмуаларида кузатилган 350 нафар ҳомиладорлар, назорат гуруҳига ҳомиладорлик ва туғруқ физиологик кечган 50 нафар аёллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ҳомиладорликнинг иккинчи ва учинчи триместридаги ҳомиладорларнинг қони, ҳомила сувлари, йўлдоши, суртмаси ва қон зардоби материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Белгиланган вазифаларни бажариш учун клиник, клиник-инструментал, морфологик, гормонал, биокимёвий, иммунологик ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳомиланинг антенатал нобуд бўлишини башоратлаш маркёри ҳомила бош ва плацентар индекси, иммунологик ва гормонал мезонларга асосан

гестациянинг турли муддатларида аёлларда ҳомиладорликни тўхтатишга дифференциациялашган ёндашув такомиллаштирилган;

плазмадаги эстрадиол ва прогестероннинг миқдорига, миометрийнинг рецептор аппарати ҳолати ва прогестерон гормонга сезгирлигига патогенетик боғлиқ ҳолда она қорни ичида ҳомила ўлими давомийлигига караб туғруқ индукциясининг тизими асосланган;

ҳомиланинг антенатал нобуд бўлишида яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар мувозанатини, гормонал статуснинг функционал ва қон ивиши тизимидаги, иммунологик толерантлик ҳолатининг бузилиши ҳомиланинг ривожланишини тўхташига олиб келиши исботланган;

ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши ривожланиши хавфининг шаклланишида йўлдошнинг инфекцион-яллиғланиш ўзгаришларининг аҳамияти прогестерон гормонга боғлиқлигини морфологик ўзгаришлари плацентадаги деструктив ўзгаришларни юзага келиши билан асосланган;

медикаментоз комбинациялашган замонавий туғруқ индукцияларини клиник даволаш тизимига киритилиши прогестерон гормонига бевосита таъсир қилиб, туғруқ ва туғруқдан кейинги асоратларни камайиши, реабилитация даврида беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат.

ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши ривожланишининг таклиф қилинган башоратлаш (ультратовуш, микробиологик, гормонал, иммунологик, морфологик) мезонлари ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши кузатилган аёлларда хавфли омилларни эрта ташхислаш ва асоратлар ривожланишининг олди олинган;

ҳомиласи антенатал нобуд бўлган аёлларда гестация муддатларига боғлиқ ҳолда ҳомиладорликни тўхтатишнинг замонавий медикаментоз усуллари таклиф қилинган;

ҳомиласи антенатал нобуд бўлган аёлларда гестация муддатларига боғлиқ ҳолда ҳомиладорликни тўхтатишни ташхислаш, даволашни такомиллаштириш учун ЭХМ дастур, дифференциациялашган ёндашув алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий изланишда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, клиник-инструментал, морфологик, биокимёвий, иммунологик ва статистик усуллар билан тасдиқланган ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, турли муддатдаги ҳомиланинг антенатал ўлим ҳолатларида ҳомиладорликни тўхтатишнинг дифференциациялашган ёндашувини ўзига хослигини такомиллаштирилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши

шаклланишининг этиопатогентик жиҳатлари ва механизмининг замонавий ҳолатини, гестациянинг турли муддатларида ушбу патология кузатилган аёлларда ҳомиладорликни тўхтатишга дифференциациялашган ёндашувни қиёсий баҳолаш тўғрисидаги назарий билимлар даражасини кенгайтириш, ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши ривожланиш хавфининг турли клиник-иммунологик, гормонал ва морфологик кўрсаткичларини баҳолашнинг назарий асосларнинг механизмларини яратиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти акушер-гинеколог шифокорларга ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши шаклланиши кузатилган ҳомиладорларда иммунитет тизими ва гормонал ҳолат фаолияти, ҳомиладорликнинг нохуш кечиши ва асоратлари хавфи даражасини баҳолаш, аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятини беради. ҲАН бўлган ҳомиладорлар қонида прогестерон даражасини аниқлаш ундан гестациянинг турли муддатларига боғлиқ ҳолда ҳомиладорликни тўхтатишнинг медикаментоз усули тактикасини танлаш учун башоратлаш мезони сифатида фойдаланиш имконини беради. ҲАН бўлган аёлларда ҳомиладорликни индукция қилишнинг тавсия этилган медикаментоз усуллари жарроҳлик усули билан солиштирганда асоратлар хавфини камайтиришга, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, миллий стандарт ва протоколларида янги манба сифатида қўлланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Турли муддатдаги ҳомиланинг антенатал ўлим ҳолатларида ҳомиладорликни тўхтатишнинг дифференциациялашган ёндашуви бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Гестациянинг турли муддатларида ҳомиланинг нобуд бўлишида ҳомиладорликни тўхтатишнинг дифференциациялашган усуллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 8н-д/252-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма замонавий тиббий дори воситаларини ноинвазив усуллари ёрдамида гестациянинг турли муддатларида ҳомиланинг нобуд бўлишида ҳомиладорликни тўхтатишнинг дифференциациялашган усулининг самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш имконини берган;

«Ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши кузатилган аёлларни эрта ташхислаш ва ҳомиладорликни тўхтатиш усуллариининг алгоритми» услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 майдаги 8н-д/115-сон маълумотномаси). Мазкур қўлланма ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши кузатилган аёлларда ташхислаш ва ҳомиладорликни тўхтатиш усуллариининг алгоритми татбиқ қилиш имконини берган;

«Ҳомиланинг антенатал ўлим ҳолатини клиник ташхислаш ва ҳомиладорликни тўхтатиш усуллари» услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 майдаги 8н-д/115-сон маълумотномаси). Мазкур қўлланма ҳомиланинг антенатал ўлим ҳолатини клиник белгиларни инструментал ташхислашни башоратлаш механизми яратиш имконини берган;

«Ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши кузатилган аёлларда ташхислаш ва туғруқ индукцияси алгоритми» услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 майдаги 8н-д/115-сон маълумотномаси). Мазкур қўлланма ҳомиладор аёлларда гормонал ва микробиологик, морфологик кўрстакларга қараб дифференциаллашган туғруқ индукцияси алгоритми ишлаб чиқиш имконини берган;

турли муддатдаги ҳомиланинг антенатал ўлим ҳолатларида ҳомиладорликни тўхтатишнинг дифференциациялашган ёндашувини комплекс даволаш сифатини яхшилашнинг самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро туғруқ мажмуаси, перинатал маркази, Бухоро вилояти Шофиркон тумани акушерлик мажмуаси клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 28 майдаги 8н-д/83-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ҲАН бўлган аёлларни мажмуавий клиник динамик кузатишлар ва гестациянинг турли муддатларида ҳомиладорликни инвазиясиз медикаментоз усулларда тўхтатишнинг дифференциациялашган усуллари қўллаш туғруқда ва туғруқдан кейинги илк даврда турли асоратларнинг камайишига ёрдам берди, бу эса ўз навбатида аёллар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 6 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 64 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан 16 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 185 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ҳомиланинг антенатал ўлим ҳолатларида ҳомиладорликни тўхтатишнинг дифференциациялашган ёндашувнинг замонавий жиҳатлари» номланган биринчи бобида ҳомиланинг антенатал

нобуд бўлиши кузатилган аёлларда гестациянинг турли муддатларида ҳомиладорликни тўхтатишга бағишланган хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг манбалари таҳлили қилинган. Танланган тадқиқотларнинг назарий жиҳатлари, уларнинг методологик ёндошуви тизимлаштирилган. Касалликни ташхислаш ва даволаш усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорликнинг антенатал ўлим ҳолатларида ҳомиладорликни тўхтатишининг дифференциациялашган ёндашувини танлаш материал ва усуллари**» иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифи берилган. Тадқиқотлар Бухоро давлат тиббиёт институти даволаш факультетининг акушерлик ва гинекология кафедрасида вилоят перинатал маркази базасида, шунингдек, Бухоро шаҳри 1-сонли туғруқхонасида ва Шофиркон тумани туғруқхонасида бажарилди.

Тадқиқотлар икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда Бухоро шаҳар туғруқ мажмуаси архивида 2010-2016 йиллар учун ҚАН бўлган ҳомиладор аёлларнинг 250 та касаллик тарихларининг ретроспектив таҳлили амалга оширилди. Бунда, пациентларнинг ушбу контингентда умумсоматик, акушерлик-гинекологик анамнез, соматик касалликларнинг мавжудлиги, уларнинг давомийлиги ва оғирлик даражаси, ҳомиладорлик, туғруқнинг кечиши ва асоратлари, туғруқ индукциясининг турли кўринишларини қўллаш маълумотлари баҳоланди. Ретроспектив таҳлил ҚАНБ ривожланиши бўйича хавfli омилларни аниқлаш ва ажратиш ҳамда туғруқ индукциясининг турли кўринишларининг самарадорлигини баҳолаш учун ўтказилди.

Иккинчи босқичда биз ҚАН бўлган ва индукциянинг биз таклиф қилган модификацияланган усули қўлланган 300 нафар ҳомиладор аёлларнинг клиник-лаборатор ва морфологик текширувларини ўтказдик.

Ушбу диссертация ишининг белгиланган вазифаларини ҳал этиш учун биз ҚАН бўлган ҳомиладорларни текширдик. Текширилган ҳомиладорларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг Бухоро вилоятида доимий яшаб келганлар.

Диссертация материалларига 350 нафар пациентларни текшириш натижалари киритилган бўлиб, улардан 150 нафар (42,9%) аёллар асосий гуруҳни, 150 нафар (42,9%) аёллар таққослаш гуруҳини ташкил қилганлар. Назорат гуруҳига ҳомиладорлик ва туғруқ физиологик кечган, тирик бола туғган 50 нафар (14,2%) пациентлар киритилди.

Ўз навбатида, ҚАН бўлган аёлларнинг асосий гуруҳи (n=150) иккита кичик гуруҳларга ажратилди: 1а кичик гуруҳи – ҚАН бўлган 22-27 ҳафта муддатларидаги 75 нафар ҳомиладорлар, 1б кичик гуруҳи – ҚАН бўлган 28-42 ҳафта муддатларидаги 75 нафар ҳомиладорлар, буларда туғруқ индукцияси мифепристон ва мизопростол препаратларини схема бўйича қўллаш ёрдамида амалга оширилди.

ҲАН бўлган таққослаш гуруҳига киритилган ҳомиладорлар (n=150) икки кичик гуруҳларга ажратилди: 2а кичик гуруҳи - 22-27 ҳафта муддатларидаги 75 нафар ҳомиладорлар, 2б кичик гуруҳи - 28-42 ҳафта муддатларидаги ҲАН бўлган 75 нафар ҳомиладорлар, буларда туғруқ кўзғалиши мизопростолни схема бўйича қўллаш ёрдамида амалга оширилди. Назорат гуруҳининг ҳомиладорлик ва туғруқ физиологик кечган, тирик бола туғган ҳомиладорларида (n=50) туғруқ фаолиятининг стимуляцияси ўтказилмади.

Барча беморларга умумклиник текширишлардан ташқари юқори частотали (5МГц) датчик билан жиҳозланган SSD-280 "Aloka" (Япония) ускунаси ёрдамида трансабдоминал ва трансвагинал эхография ўтказилди.

Гемостазнинг асосий параметрларини аниқлаш учун «Human Count 30TS/Human Count 60TS» автоматик гематологик анализаторидан фойдаланилди. Гормонал статус «Human Reader HS» иммунофермент анализатори ёрдамида текширилаётган ҳомиладорларнинг қон зардобиди стероид гормонлар, эстриол, прогестерон концентрациясининг миқдорий аниқланиши орқали баҳоланди.

Бактериал и вирусли инфекциялар «Human Gesellschaft Biochemicaund Diagnostica» (Wiesbaden, Германия) фирмасининг «Human Reader HS» иммунофермент анализатори ёрдамида ООО «ХЕМА» (Москва, РФ) фирмасининг реактивлар тўпламидан фойдаланган ҳолда аниқланди.

2010-2017 йиллар давомида 206 нафар ҳомиладор аёллар иммунологик текширувдан ўтказилди. Биз "Протеин контури" ва "Цитокин" (Санкт-Петербург, РФ) тест тўпламларидан фойдаландик. Қонда цитокинлар миқдори пкг/мл да ифодаланди.

Қин ва цервикал найнинг ажратмаларини микробиологик текшириш қуйидагича амалга оширилди: туғруққа қадар қиннинг орқа гумбази ва цервикал найнинг суртмасм «СОРА» (Italy) фирмасининг анаэробларни сақлаб қолиш олинган материал лабораторияга олинган вақтдан бошлаб 1 соат ичида етказиб берилди. Қин микрофлорасини сифат ва миқдор жиҳатдан ўрганиш умумқабул қилинган усулда амалга оширилди (И.М.Мухамедов ва ҳаммуал., 2016).

Ҳомиала атрофи сувларини микробиологик текширишда, асептика қоидаларига риоя қилган ҳолда, амниотик суюқлик ҲАН бўлган аёлларда амниотомия вақтида йиғилиб, бактериологик тажрибахонага транспортировка қилинди. Амниотик суюқликни сифат ва миқдор жиҳатдан текшириш умумқабул қилинган бактериологик усулларда ўтказилди.

#### **Плацентанинг микробиологик текшируви.**

Аёлларда туғруқдан кейин йўлдош кўздан кечирилганидан сўнг унинг бутун қалинлиги бўйлаб 1 см<sup>3</sup> ҳажмда бўлак кесиб олинди ва тажрибахонага 1 соат давомида етказиб берилди. Тажрибахонада плацентанинг бўлаклари чиқарилиб, аэроб ва анаэроб микроорганизмлар учун мос озуқа муҳитларига экилди. Микроорганизмларнинг барча штаммларини аниқлаш ва дифференциация қилиш Bergy's Manual Systematic Bacteriology (1997) модификацияси бўйича амалга оширилди.



Йўлдошнинг морфологик текшируви қуйидагича ўтказилди: плацентадан бўлакча кесиб олинди, жойлаштириш стандарт усулда амалга оширилди. 5 микрон қалинликдаги кетма-кет кесимлар Ванн-Гизон бўйича гематоксилин ва эозин, пикрофуксин билан бўялди, PAS-реакция ўтказилди. Микроскопия Axioskop 40 («Zeiss», Германия) ускунаси ёрдамида амалга оширилди.. ҲАН бўлган пациентларни индукция усулини танлаш БССТ экспертларининг тавсияларига мувофиқ амалга оширилди (Женева, 2004).

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Microsoft Office Excel-2016 амалий дастурларининг стандарт пакетини қўллаш орқали статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг «**Перинатал асоратларнинг хавф омиллари**» деб номланган учинчи бобда ретроспектив таҳлил маълумотлари бўйича фетоплацентар етишмовчиликда перинатал асоратларнинг хавф омилларини аниқлаш масалалари кўриб чиқилган.

Ҳомиладор аёлларнинг ретроспектив анамнестик маълумотлари, гинекологик ва соматик касалликларининг таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, ҲАН бўлишининг ривожланишида аёлнинг ёши, акушерлик-гинекологик анамнезнинг жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари каби гинекологик касалликлар билан оғирлашганлиги аҳамиятга эга, соматик касалликлардан камқонлик ва сийдик ажратиш йўллариининг яллиғланиш касалликлари аҳамиятлидир. Бу омилларнинг барчаси, афтидан, ҳомиланинг бачадон ичи ҳолатига таъсир қилади ва унинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкин. ҲАН бўлишида туғруқ индукциясининг усулини танлаш гестация муддатига боғлиқ бўлади. ҲАН бўлган аёлларнинг туғруқ тарихини ўрганиш жараёнида биз ушбу патология биринчи гуруҳда ҳомиладорликнинг 28-42 ҳафтаси муддатида 112 нафар (70,0%) ва 22-27 ҳафтаси муддатида 48 нафар (30%) ҳомиладорларда учрашини кузатдик. Қолган 32 (28,6%) ва 17 (35,4%) ҳолатларда муддатларга мос равишда индукциянинг 2-босқичига зарурият бўлди. ҲАН бўлган аёлларнинг иккинчи гуруҳида ҳомиладорликнинг 28-42 ҳафталик муддати 59 (65,5%) нафар ва 22-27 ҳафталик муддати 31 (34,5%) нафарда аниқланди. ҲАН бўлган аёлларда туғруқни простагландинлар билан индукция қилинишида қуйидаги натижалар олинди: ҳомиланинг ва йўлдошнинг туғилиши ҳомиладорликнинг 28-42 ҳафталик муддатида 36 (61,0%) ва 22-27 ҳафталик муддатида 17 (54,8%) нафарда юз берган. Қолган 23 (39,0%) ва 14 (45,2%) ҳолатларда муддатларга мос равишда индукциянинг 2-босқичи зарур бўлди. Бачадонида чандиқ бўлган, 42 ҳафталик муддатдаги 3 нафар (5,4%) ҳомиладорларда туғруқ кўзғатиш самара бермаганлиги туфайли кесар кесиш операцияси ўтказилди. Турли хил эхопатология фетопатияларида ультратовуш ёрдамида ҳомила бошчаси ўлчамларидаги оғишишларни аниқлашда муҳим ташхисий усули бош суяги краниал индекси (Ҳ). Яққол клиник асоратларсиз (назорат гуруҳи) кечган ҳомиладорликда Ҳ 75 дан 84 гача ўзгарди. Ҳомиладорлик муддатига боғлиқ ҳолда ультратовуш текшириш кўрсаткичларининг динамикасини таҳлил қилар эканмиз, биз краниал индекси Ҳ II-триместрда III-триместрдагидан ( $75,87 \pm 81,83$ , мос равишда  $P < 0,001$ ) аҳамиятли. Фетопатияда Ҳ нинг рақамли қийматлари 70-73 га

қадар пасаяди.  $Y$  қийматининг тезкор (1-1,5 ҳафта давомида)  $63,24-0,51$  га ( $P < 0,001$ ) қадар камайиши ҳомиланинг бачадон ичида муқаррар нобуд бўлишининг аниқ белгисидир. Қайд этиш лозимки, хомила бачадонда 2 ҳафтадан кам тутиб турилишида 40 % аёлларда  $Y$  нинг ўртача қиймати  $60,05 \pm 0,46$  га тенг бўлди; узок тутиб турилишида (3 ҳафтадан ортиқ)  $Y$  нинг  $54,12 \pm 0,36$  га қадар камайиши ҳомиладорларнинг 22% да аниқланди.



Хомила бош контури иккиланиши.Краниал индекси -54. Хомиладор И. (касаллик тарихи №236). Ташхис: ХАНБ27-ҳафталик (хомила нобуд булиши 2 ҳафта олдин

**Рис. 1. Ҳомиланинг антенатал ўлим ҳолатларида краниал индекснинг ўзгариши**

ҲАН бўлган ҳомиладорлар гемостаз тизими кўрсаткичларининг таҳлили ТИМ ортиши ( $>30$ кг/м) тромбоемболик ҳолатлар хавфининг ўсиши билан боғлиқлигини кўрсатди. 90% ҳолатларда ИМТ ортиши ва тромб ҳосил бўлишининг мусбат маркерларининг боғлиқлиги аниқланди. Томирчи ивишининг фаоллашиши (ФМЭЖ) (фибрин мономерларнинг эрувчи комплекси) белгилари кузатилган пациентлар орасида 2 нафар аёл (6,5%) ортиқча тана вазни ва 42% – турли даражадаги семизликка эга бўлганлар аниқланди. Д-димерининг юқори кўрсаткичлари кузатилган пациентлардан 14% ортиқча тана вазнига эга бўлганлар. Кичик гуруҳларда коагулограмма натижаларини баҳолаш, ХАНБ гуруҳида ФМЭЖ кўрсаткичларининг ортиши 13,4% да кузатилганини, бу аниқ даражада юқорилигини кўрсатди.

Ҳомиладорларда гестациянинг II-III триместрларида Д-димерининг зардобдаги  $398,9 \pm 13,73$  нг/мл дан ортиқ бўлмаган концентрацияси ҳомиладорликнинг яхши кечиши ва яқун топишини кўрсатади.

Д-димери миқдорининг  $736,1 \pm 14,52$  нг/мл ( $P < 0,001$ )дан юқори ортиши ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши эҳтимолининг юқорилигидан далолат беради. С-реактив оксиленинг 1,2 баробар ортиши сурункали яллиғланиш жараёнидан ва ҳомиланинг антенатал нобуд бўлишида стационарга қабул қилинган вақтдан, ҳомиладорликни тўхтатишининг бошланиши билан антибактериал терапиянинг зарурлигидан далолат беради.

Тўсатдан юз берадиган муддатидан олдин туғруқларнинг ривожланишида гормонал ўзаро таъсирлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Маълумки, прогестерон ёриқлар контактларининг шаклланишини, простагландинлар синтези ва окситоцин рецепторларини кучсизлантириш орқали бачадонни меъерий тонусда тутиб туриш учун зарурдир. Онанинг қон оқимидаги эстриол концентрацияси фетал гипоталамус-гипофиз-буйрак усти ўқи фаоллигининг тўғридан-тўғри маркери бўлиб, у, тахмин қилинишича, туғруқ фаолиятининг ривожланиши олдидан фаоллашади.

#### 1-жадвал

#### Ҳомиланинг антенатал нобуд бўлиши кузатишган аёлларда гемостазиограмма кўрсаткичлари (M± m)

Кўрсаткичлар	Физиологик ҳомиладорлик n=50	ҲАН бўлган ҳомиладорлар n=150
АПТВ (с)	28,8±0,52	36,9±1,07***
ПТВ (с)	11,0±0,22	14,6±0,41***
Фибриноген (г/л)	3,0±0,04	5,9±0,16***
ТВ (с)	16,4±0,16	20,2±0,41***
ФМЭК (мг/л)	1,7±0,02	2,9±0,05***
Д-димер (нг/мл)	398,9±13,73	736,7±14,52***
Антитромбин III (мг/л) %	109,1±2,35	75,7±1,48***
С протеини фаоллиги, %	101,0±3,64	81,3±1,52***
С-реактив оқсил (мг/л)	2,1±1,64	4,2±2,64***

Изох: \* - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\*\*\*) - P<0,001

ҲАН бўлган ҳомиладорларнинг текширилаётган гуруҳларида прогестерон ва α-фетопротеин концентрацияларининг аниқ ортиши кузатилди. Прогестерон ҳомиладорликнинг пайдо бўлиши ва сақланишига ёрдам берувчи кучли омил ҳисобланади.

Прогестерон бачадоннинг силлиқ мушакларига бўшаштирувчи таъсир кўрсатади. ҲАН бўлган ҳомиладорларда прогестероннинг ҳимоя таъсири унинг иммунмодуляторлик фаоллиги, шу жумладан, ҳомиладорликда цитокин балансининг меъёрлашуви билан боғлиқлиги ҳақида ишонарли натижалар олинди.

α-фетопротеиннинг иммунмодуляторлик фаоллиги, шу жумладан, унинг иммун жароҳатланиш ва яллиғланиш жараёнларини чеклаган ҳолда лимфоид ҳужайраларнинг фаол апоптозини кучайтириш қобиляти кўрсатилган. Қонда стероид гормонларнинг концентрацияси конъюгациялашмаган, демакки, гормонларнинг биологик фаол фракцияларини акс эттиради. Тадқиқотларнинг ушбу қисмининг вазифаси ҳомиладорлик физиологик ва ҲАНБ билан кечган аёллар қонида стероид табиатга эга бўлган гормонлар – прогестерон ва эстрадиол миқдорининг даражасини таққослаш, шунингдек, туғруқ индукцияси масаласини ҳал этиш учун антенатал йўқотишларни барвақт ташҳислаш ва башоратлашда уларнинг аҳамиятини баҳолашдан иборат. Гормонал ҳолатни текшириш ҲАН бўлган ҳомиладор аёлларда туғруқ тактикасини танлашда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, ҳозирги вақтда

стероид гормонлар даражасининг ҲАН бўлган ҳомиладорларда гестация муддатига боғлиқ ҳолда индукция усулини танлашга таъсири тўғрисида маълумотлар етарли эмас.

Белгиланган вазифаларга мувофиқ биз ҳомиладорлик физиологик кечган ва ҲАН бўлган ҳомиладорлар қонида цитокинлар ва ўсиш омилини аниқладик (2-жадвал).

2-жадвал

**ҲАН бўлган ҳомиладорлар қонида цитокинлар ва ўсиш омили фактори**

цитокинлар ва ўсиш омили фактори кўрсаткичлари	Физиологик ҳомиладорлар, n=50	ҲАН бўлган ҳомиладорлар n=150	P
IL-1 пг/мл	185,1±6,41	281,2±10,7	<0,001
IL-4 пг/мл	136,3±4,92	48,1± 1,68	<0,001
IL-6 пг/мл	56,9±2,03	93,8±3,44	<0,001
IL-8 пг/мл	19,2±0,70	219,3±7,99	<0,001
IL-10 пг/мл	38,3±1,39	24,0±0,87	<0,001
TNF-α пг/мл	48,1±1,70	67,7±2,53	<0,001

Биз олган маълумотлар ҲАН бўлишида яллиғланиш олди цитокин-1 даражаси 52%га ортишдан далолат беради. IL-4 миқдори деярли 2,8 марта пасайди. Параллел манзара IL-10 секрециясида ҳам кузатилиб, у 57%га пасайди. Бу далил, эҳтимол, IL-4 IL-1 синтезини кучайтирган ҳолда, децидуал хужайралар томонидан простагландинлар ишлаб чиқарилишини камайтириши, шунингдек, яллиғланиш жараёнини камайтирган ҳолда гуморал иммунитетни стимуляция қилинишига ёрдам бериши билан боғлиқдир. Marzi M ва б. (1996) маълумотларига кўра, периферик қон моноцитлари томонидан IL-10 ишлаб чиқарилишининг камайиши ҳомила ривожланишининг кечикиши ёки нобуд бўлиши ва туғруқ фаолияти бошланолмаслиги билан баҳоланади.

Такдим этилган тадқиқотлар натижаларидан кўринадики, ҲАН бўлган ҳомиладорларда IL-6 даражаси физиологик ҳомиладорлик билан таққосланганда аниқ 1,6 маротаба ортади. Кузатилаётган динамика IL-6 нинг миометрийнинг қисқариш фаоллигининг потенциал фаоллаштирувчи омили ҳисобланган ва эрта туғруқни белгилайдиган эндотелий даражасига таъсири билан боғлиқдир. Бизнинг маълумотларимизга кўра, IL-8 экспрессияси 11 маротабадан ортиқ кўпаяди. Бу далил, афтидан, бевосита туғруқ олдидан бачадон бўйни етилишида ўрин тутган бириктирувчи тўқималарни ремоделлашишига IL-8нинг жалб қилинишидан дарак беради. IL-8, шунингдек, лактоферриннинг ортишини ҳам стимуллади. Қайд этиш лозимки, IL-4 даражасининг пасайиши ва TNF-α ишлаб чиқарилишининг аҳамиятли 1,4 маротаба ортиши ҳомиладорликнинг тўхташ хавфи бўлган пациентлар учун хосдир. Бинобарин, яллиғланишга қарши цитокинларнинг камайиши муҳиtida яллиғланиш олди омиларининг кўпайиши билан

кечадиган цитокин мувозанатининг бузилиши ҳомиладорликнинг яқин кунларда тўхташи эҳтимоли бўлган хавфни белгилайди, бу ташҳис аниқланиши биланоқ антибактериал терапиянинг бошланишини талаб этади.

Шу тариқа, ҲАН бўлишида яллиғланиш олди цитокинларининг юқори даражаси иммун тизими гуморал омилининг фаоллашувидан дарак беради, негаки, яллиғланиш реакцияларининг ривожланиши патогенезида иштирок этувчи иммунрегуляция омилларининг ажралиб чиқиши (IL-1, IL-6, TNF- $\alpha$ ) энг аввало, мононуклеар фагоцитларнинг функционал ҳолатини тавсифлайди. Ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижалар цитокинлар тизимида динамик мувозанатнинг сақланиши ҳомиладорликни меъёрий ривожланишида муҳим рол ўйнаши тўғрисида хулоса қилиш имконини беради. Ҳомиладорлик пайтида фагоцитар комплемент система активлиги ошиши кузатилса, бизнинг текширувимиздаги аёлларимизда фагоцитар активлик системасининг супрессияси, индуцирланган фагоцитоз пасайиши кузатилди, бу эсаўз навбатида иммун гомеостаз дезадаптациясига олиб келди. Туғруқдан кейинги илк даврнинг энг кўп асорати бачадон атонияси ва йўлдош қолдиқлари туфайли қон кетишидан иборат бўлган.

Тайёр бўлмаган туғруқ йўллари вазиятида туғруқ индукциясининг инвазив усуллари (амниотомия, утеротоник ва простагландинлар билан туғруқни жадаллаштириш) қўлланилган таққослаш гуруҳида энг кўп қон йўқотиш (550-1200мл) кузатилди. Маълумотлар асосий гуруҳ параметрларидан аниқ даражада фарқ қилган, бироқ назорат гуруҳи кўрсаткичларига яқин бўлган ( $P>0,05$ ).

Аёлларда туғруқдан кейинги ва жарроҳлик амалиётидан кейинги даврдаги асоратлар сони тенг ҳолатда ва гестация муддатига боғлиқ ҳолда таҳлил қилинди. Туғруқдан кейинги даврда асоратларнинг умумий сони ҳам тенг ҳолатга (бачадон субинволюцияси, лохиметра ва маститлар мос равишда биринчи бор ҳомиладорларда  $8,7\pm 2,6\%$ , қайта ҳомиладорларда эса  $10,4\pm 2,2\%$ ), ва гестация муддатларига ҳам (II триместрда  $8,6\pm 3,4\%$ , III триместрда  $10,1\pm 2,0\%$ ) боғлиқлиги аниқланди. Ҳомиладорликни тўхтатишда гемостаз тизими, иммун ҳолат, репродуктив тизимдаги бузилишлар энг хавфли бўлиб, оналар ўлимига олиб келади. Бизнинг тадқиқотларимизда ҲАН бўлган ҳомиладорларда туғруқни антипрогестинларни қўллаб индукция қилиш гестация муддатига боғлиқ ҳолда фарқланди. Пациентларнинг текширилаётган, ҳомиладорлик муддати 27 ҳафтагача бўлган контингентига 40% аёлларда индукциянинг 2-босқичига эҳтиёж кузатилди.

Маълумки, ҳомиладорликни сунъий тўхтатиш ва хавфсиз туғруқ муҳим тиббий-ижтимоий муаммодир. Мунтазам туғруқ фаолиятининг ривожланиши кўпгина омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида гормонлар, простагландинлар, утеротоникларга алоҳида эътибор берилади. Шу йўсинда, прогестерон генерализациялашган қисқаришлар ҳосил бўлишини блоклаган ҳолда миометрий ҳолатини назорат қилади. Шунга кўра, ҲАН бўлган пациентлар қонида ҳомиладорлик муддатига боғлиқ ҳолда эстрадиол ва прогестерон миқдорини текшириш биз учун алоҳида қизиқиш уйғотди. Улар окситоциназа фаоллигини камайтириб, бу орқали эндоген окситоцинни

парчаланишдан ҳимоя қилади. Митотик фаолликнинг ортиши холинэстераза фаоллигининг пасайиши ва кучли контрактил таъсир кўрсатувчи эркин ацетилхолин концентрациясининг кўпайиши билан бирга кечади. Эстрогенлар миометрийнинг окситотик моддаларга таъсирчанлигини оширган ва уни пластик материал билан таъминлаган ҳолда туғруқ актининг физиологик кечишига кўмак беради.

3-жадвал

**Текширилаётган ҲАН бўлган аёллар қонида ҳомиладорлик муддатига боғлиқ ҳолда туғруқни антипрогестинлар билан индукциялашга қадар ва индукциядан кейинги босқичларида гормонал ҳолат кўрсаткичлари (M±m)**

Кўрсаткичлар	ҲАН бўлган ҳомиладорлар 22-27 ҳафта, n=75	ҲАН бўлган ҳомиладорлар 28-42 ҳафта, n=75
Эстрадиол нмоль/л	347,4±9,12	576,3±17,56***
	330,5±9,18	540,7±16,56***
Прогестерон нмоль/л қонда	277,8±8,12	356,1±10,83***
	197,3±5,03^^^	91,9±2,84***^^^

Изоҳ: суратда туғруқ индукциясига қадар кўрсаткичлар, маҳражда – туғруқ индукциясидан кейин; \* - 22-27 ҳафта гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фаркланиш аҳамиятли (\*\*\*) - P<0,001), ^ - туғруқ индукциясига қадар гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фаркланиш аҳамиятли (^^^ - P<0,001)

Бизнинг тадқиқотларимизда бу далил тасдиқланди, биз таклиф қилган схема бўйича туғруқ стимуляциясига қадар ҲАН бўлган аёллар қонида эстрадиол миқдори 22-27 ҳафтадаги 347,4±9,12 нмоль/л дан 28-42 ҳафтадаги 576,3±17,56 нмоль/л га қадар ўзгарди ва индукция босқичи ўтказилганидан сўнг эстрогенларнинг бирмунча 330,5±9,18 нмоль/л (1,04 марта) ва 540,7±16,56 нмоль/л (1,1 марта) камайиши кузатилди.

Бизнинг тадқиқотларимизда қонда прогестерон миқдори янада кенг кўламдаги ўзгаришларга эга бўлди, шу зайлда индукцияга қадар ушбу кўрсаткич 22-27 ҳафтада 277,8±8,12 нмоль/л ва 28-42 ҳафтада 356,1±10,83 нмоль/л ни ташкил этди; индукция босқичи ўтказилганидан кейин прогестерон миқдорининг гестация муддатларига мос равишда аҳамиятли 197,3±5,03 нмоль/л (1,4 марта) ва 91,9±2,84 (3,8 марта) нмоль/л камайиши кузатилди.

ҲАН бўлган ҳомиладорларда туғруқ индукцияси биз таклиф қилган схема асосида амалга оширилганда ҳомиладорликнинг 28-42 ҳафтасида 64 та (85,3%) ва 22-27 ҳафтасида 11та (14,7%) ҳолатда туғруқлар юз берди. Қолган 11 (14,7%) ва 64 (85,7%) ҳолатларда муддатларга мос равишда индукциянинг 2-босқичи зарур бўлди.

Пациентларнинг бу контингентиде туғруқ схема бўйича кин орқали мизопростол билан индукция қилинганида ҳомиланинг ва йўлдошнинг тўлиқ ҳайдалиши 28-42 ҳафта муддатда 45 (60,0%) ва 22-27 ҳафта муддатда 25 (33,3%) нафарда юз берди. Қолган 30 (40,0%) ва 50 (66,7%) ҳолатларда муддатларга мос равишда индукциянинг 2-босқичи зарур бўлди.

Бизнинг тадқиқотларимизда Мифепристонни 200 мг миқдорда деярли барча аёллар яхши қабул қилдилар, фақатгина 2 нафар пациентларда препарат қабул қилинганидан 30-60 дақиқадан сўнг энгил кўнгил айниши кузатилди.

